

Мисрлик 75 ёшли аёл Қуръони каримни оққа кўчирди



12:32 / 03.12.2018 2985

Бундан тўрт йил аввал кўчиришни бошлаган Саъд Абдулқодир хоним кунига 7 соатдан ишлагани ҳолда, тўрт йилда Қуръони каримни тўлиқ кўчиришга муваффақ бўлган.

IQNA берган хабарда айтилишича, Саъд хоним ёшлигидан Аллоҳнинг каломини ёд олишни орзу қилган, бироқ бунга ҳеч қачон фурсат топа олмаган. Шундай бўлса-да, етук олимларнинг рухсати ва назорати билан Каломуллоҳни қўли билан оққа кўчиришга жазм қилган.

У оятларни кўчиришда 40 хил рангдаги қаламлардан фойдаланган. Ҳаракатлар учун қора, оятларнинг сони ва “Аллоҳ” лафзи учун қизил, ҳаво ранг оятларнинг ёзуви учун ишлатилган. Маълум бўлишича, Саъд хоним

оятларни кўчириш баробарида “Каҳф” каби бир қанча узун сураларни ҳам ёд олишга муваффақ бўлган.

Islom.uz портали таҳририяти